

Дунё кеча,  
бугун, эртага

Изоҳлар муаллифи Ҳодий



## Дунё кеча, бугун, эртага.

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир дин ва ҳар бир давлатга имконият, куч-қудрат ва ҳокимият берилади. Улар ўз даврини ўтаб тарихга айланадилар. Улар имкониятини, куч-қудратини ва ҳокимиятини қаерда ва қандай ишлатганлиги тўғрисида Яратганнинг олдида барча-барчасига жавоб берадилар. Бу Оллоҳнинг ҳикматидир.

Ҳар бир оқил инсон, халқ ва давлат мозийга назар ташлаб, ундаги барча ишларни кузатиб, яхшиларидан ибрат олиб, уларни бугунги кунига татбиқ қилиши, ожиз қолганларини эртанги кунига ўз олдига мақсад қилиб қўйиши ва уни ҳаётида татбиқ қилиш учун ҳаракат қилиши лозим. Бу инсонга хос бўлган ҳаётдир.

Узоқ-яқин тарихда ўтган жамиятлар, тузумлар ва ҳукмдорларни синчиклаб ўргансак «Худонинг қонунлари билан яшамаганлар «ўрмон қонуни»ни жорий этгани маълум бўлади. Яъни улар ўз орзу-истакларини амалга ошириш учун кучлилари заифлари устидан ҳукм юритганлиги, бойлар «камбағаллар» устидан кун кўргани, бор мақсадлари бойлик орттириш бўлгани яққол намоён бўлади. Уларнинг даври мақсадлари сингари қисқа бўлиб, тарихда қора доғлар суратида кўзга ташланади.

Мозийга қайтиб Исломи динини, Исломи умматини ва Исломи давлатини ўз даврини қандай ўтказганлигини кузатсак ва синчиклаб ўргансак, у 13 аср мобайнида ҳаётнинг барча соҳаларида зулматларни ёритиб турган қуёш каби нур бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Исломи давлати дунёда етакчи давлат бўлиб турган вақтда нафақат унинг байроғи остида бўлган фуқаролар, балки бошқа давлат фуқаролари, шунингдек ҳайвонот дунёси, ўсимликлар дунёси, атроф-муҳит, табиатдаги барча борлиқ унинг адолатли тузуми туфайли гуллаб-яшнаган ва осуда, фаровон ҳаётдан баҳраманд бўлган. Кофир давлатлар ҳаёлларига келган фисқу-бузғунчиликларини Исломи давлатидан қўрққанликлари учун ошкора ҳамма жойда қила олмаганлар. Исломи давлати барча давлатлар ва уларнинг фуқаролари билан олиб борган сиёсий ишларида, жангу-жадалларида, футуҳотларида Оллоҳнинг буйруғини бажариб дунёни ҳидоят, ҳақиқат ва адолатга тўлдирган. Унинг мақсади бойлик орттириш, бузғунчилик қилиш, ер талашиш бўлган эмас. Исломи давлатининг, мусулмонларнинг куч-қудрати, азизлиги ҳамма вақт уларнинг Исломи динига қанчалик яқинлашувига, уни ҳаётга қандай

татбиқ қилишига боғлиқ бўлган. Унга яқинлашишса куч-қудратли, азиз бўлишган, ундан узоқлашишса ва уни суи татбиқ қилишса заифлашган, хор бўлган. Бунинг аксича, кофирлар бузуқ динларига қанчалик яқинлашишса шунча хор ва кучсиз бўлишган, ундан қанчалик узоқлашишса шунча улуғ, қудратли бўлишган. Зеро Ислом дини ҳидоят, маърифат ва маданият манбаи бўлиб, у инсониятни адолатга бахтиёр ҳаётга, ҳаётнинг барча соҳасида буюк тараққиётга элтувчи илоҳий тўғри йўлдир. Ўзининг илоҳий динлигини йўқотиб бутпарастлик билан ва инсоний фикрлар, истаклар ва қонунлар билан чатишиб кетган яҳудийлик ва христианлик динлари залолат, жаҳолат ва тубанлик манбаига айланган бўлиб, у инсониятни адолатсизликка, бахтсизликка, ҳаётнинг барча соҳасида қолоқликка таширувчи шайтоний йўлдир.

Исломий Халифалик давлати Усманий турклар қўлида бўлган пайтда, улар Исломни тўғри тушуниб тўғри татбиқ қилганларида Ислом давлати енгилмас қудратли давлат сифатида донг таратган. Худди хулафои рошидинлар, умавийлар ва аббосийлар даврида бўлганидек. Кейинчалик Исломни тўғри тушунишдан анча узоқлашиб, уни суи татбиқ қилишгач «касал киши» номини олган ва заифлашиб қолган. Бунинг акси ўлароқ Европадаги кофир давлатлар шу даврда ўзларининг бузуқ динларидан узоқлашиб оёққа тура бошлашган. Адолат-ҳақиқатнинг қудратли посбони бўлган Халифалик давлатининг заифлашиб қолганини ганимат билган Европанинг кофир давлатлари уни йўқ қилиш учун бир ерга жамланишиб, Вестфалияда 1648 йили ўзаро иттифоқ тузишган. Жуда кўп уринишлардан сўнг охир оқибат 1924 йилга келиб уни йўқ қилишди. Шундай қилиб 13 асрдан кўпроқ вақт мобайнида Оллоҳнинг қонуни бўйича адолат, нур, ҳидоят билан раҳбарлик қилган Халифалик давлати ўз ўрнини вақтинчалик кофир давлатларга ва инсон тузган тузумларга бўшатиб берди. Шу кундан бошлаб кофир давлатлар ва инсон тузган тузумлар ўз даврини бошладилар. Улар ўз даврининг биринчи куниданоқ ер, бойлик талашиб бир-бирларини ваҳший ҳайвонлардек ғажий бошладилар. Натижада инсоният тарихида ҳеч қачон юз бермаган биринчи жаҳон уруши келиб чиқди. Биз унинг тафсилотига киришмоқчи эмасмиз. Батафсил маълумот олмоқчи бўлганлар майли, ўша кофирлар ёзган тарих китобларига мурожаат этсинлар.

Кейин урушдан тушган ўлжаларга қаноат қилмасдан яна жанжаллашишлар ва сиёсий ишлар натижасида орадан 25 йил вақт ўтиб янги, иккинчи жаҳон уруши келиб чиқди. Биз бу урушнинг тафсилотига ҳам киришмоқчи эмасмиз. Тафсилотларга қизиққанлар

майли, ўшаларнинг китобларига ёки тирик тарихга айланган ота-боболарига мурожаат қилсинлар.

Одатда янги цивилизация дунёга келиб ҳаётга кенг қамровли татбиқ этилганда ёки жаҳон уруши бўлиб ўтганда дунё харитаси ўзгаради, халқаро сиёсат ва халқаро иқтисод янгича тус олади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам худди шундай ҳолат юз берди. Америка етакчи давлатга айланди, СССР, Британия, Франция ва Хитой буюк давлатлар сифатида ўз мавқеларини мустаҳкам эгаллади. Бу давлатлар дунё харитасини ўзгартирдилар, халқаро иқтисодни ва халқаро сиёсатни бошқаришни қўлга олдилар. Бу давлатлар дунё раҳбарлиги ва эгалланган мулклар қўлдан кетмаслиги учун ва дунё етакчилиги яна қайтиб адолат-ҳақиқат посбони бўлган Халифалик давлатига ўтиб кетмаслиги учун БМТ, НАТО каби давлатлараро халқаро ташкилотларни туздилар. Ер юзининг бошқа давлатларини ихтиёрий-мажбурий равишда шу ташкилотларга аъзо қилиб ўз чангалида ушлаб туришибди.

Ҳозирги кунда турли характерга эга бўлган уч мингга яқин халқаро ташкилотлар мавжуд. Улар давлатлараро ва ҳукумат қарамоғида бўлмаган икки асосий гуруҳга бўлинади. Давлатлараро халқаро ташкилотларга фақат давлатлар, ҳукумат қарамоғида бўлмаган халқаро ташкилотларга ҳукуматга тегишли бўлмаган миллий ассоциациялар, жамиятлар, бирлашмалар ва хатто айрим шахслар аъзо бўлиши мумкин. Аъзолари сонига кўра универсал, регионал, субрегионал ва бошқа халқаро ташкилотлар бўлади. Аъзолари таркибига кўра умумий ва бир типдаги халқаро ташкилотлар мавжуд. Халқаро муносабатларда давлатлараро халқаро ташкилотлар муҳим рол ўйнайди. Давлатлараро халқаро ташкилотлар орасида айниқса БМТ алоҳида ўрин тутди. Унга жаҳондаги деярли барча давлатлар аъзо.

Мана шу БМТ қандай ташкилот? Ундан ким фойдаланади ва қандай фойдаланади? Бу каби саволларга жавоб бериш учун қуйида БМТ ҳақида БМТни ташкил қилган давлатларнинг таърифини аввал келтириб сўнгра бир оз изоҳ бериб ўтамиз.

Бераётган изоҳимиз мукамал бўлмай «оқилга ишора кифоя» қабилидандир. Мукамал тафсилотга эга бўлиш муҳтарам ўқувчимизнинг саъй-ҳаракатларига, изланишларига ҳавола.

**БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)** – Ер юзиде тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида 1945 йилда тузилган халқаро ташкилот. БМТни барпо этиш ҳақидаги қарор 1943 йилда СССР, АҚШ, Британия ва Хитой ташқи ишлар

вазирларининг Москвадаги кенгашида қабул қилинди. БМТ Уставига дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 200дан ошиб кетди. БМТнинг доимий иш ўрни – Нью-Йорк. БМТ – Устаविда кўрсатилгандек – халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашни, халқларнинг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатини ривожлантиришни, иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ҳал қилишда халқлар ўртасида ҳамкорлик бўлишини ривожлантиришни кўзда тутди. Шу умумий мақсадларга эришишда миллатлар ҳаракатини уйғунлаштириб турадиган марказ ҳисобланади. БМТ ўз аъзоларининг суверен тенглигига асосланган. БМТ ўз аъзоларининг ички ишларига аралашмайди. Уставда қайд этилган барча мажбуриятларни зиммасига оладиган давлатлар БМТга аъзо бўла олади. Янги аъзолар Хавфсизлик кенгаши тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея қарори билан қабул қилинади. БМТ аъзолари халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишлари лозим. Устав принципларини доимо бузиб турган давлат, Хавфсизлик кенгашининг тавсиясига мувофиқ, Бош Ассамблея қарори билан БМТ аъзолигидан чиқарилади. БМТнинг асосий органлари: Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик кенгаши, БМТ қошидаги халқаро суд ва БМТ секретариати. БМТ секретариати – Бош секретар ва бошқа ходимлардан иборат. Ҳозир Бош секретар лавозимида Пан Ге Мун ишлаб турибди. Бош секретарни Хавфсизлик кенгашининг тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея беш йил муддатга тайинлайди. Бош секретар ҳар йил БМТнинг иши ҳақида Бош Ассамблеяга ҳисобот бериб туради. Секретариат ходимларини Бош секретар тайинлайди. Секретариатнинг вазифаси БМТ ва унинг органларининг нормал ишлашини таъминлаш, Бош Ассамблея ва БМТнинг бошқа органлари қарорларининг бажарилишига ёрдам беришдир. Секретариат департаментлар ва бошқармаларга бўлинади: Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик кенгаши ишлари департаменти, Иқтисодий ва ижтимоий ишлар департаменти, Васийлик ва ўзини-ўзи бошқара олмайдиган территориялар департаменти, Назорат бошқармаси, Кадрлар бошқармаси, Бош секретариатнинг маъмурий идораси, Ижтимоий ахборот бошқармаси, Конференцияларга хизмат қилиш бошқармаси, Умумий хизмат бошқармаси, БМТнинг Женева бўлими. БМТнинг сессияси йилда бир марта чақирилади. Хавфсизлик кенгашининг ёки БМТ аъзолари кўпчилигининг талаби билан ҳар қандай масала юзасидан махсус сессиялар чақирилиши мумкин. БМТнинг расмий тиллари – инглиз, француз, испан ва

хитой тиллари бўлиб, инглиз, француз, испан тилларида иш юритилади.

*Изоҳ: Юқорида айтиб ўтилган таъриф БМТ учун уни ташкил этган давлатлар (Америка, СССР, Британия, Франция ва Хитой)нинг берган таърифидир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бутун дунё мамлакатларини шу беш давлат бўлишиб олди. Дунё манфаатларидан фойдаланадиган олтинчи шерик (давлат) пайдо бўлиб қолмаслиги учун, дунёнинг бирор давлати бу беш давлатнинг улушига айланмай, уларнинг бирортасининг гапига кирмай, ўзига мустақил ўй-фикр, тузумга эга бўлган давлатга айланиб кетмаслиги учун бу беш давлат шу БМТ ташкилотини – давлатларни ўз ҳоли-жонига қўймай мажбурлаб қул қилиб берадиган «тузоқ»ни ўзаро келишган ҳолларида ташкил қилдилар. Таърифда келтирилган «ер юзиде тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш» каби ялтироқ сўзлар, БМТнинг асл моҳиятидан беҳабар соддаларни тузоққа илинтириш учун айтилгандир. Аслида эса бутун дунёда содир бўлаётган уруш-жанжалларни шу беш давлат бир-бирини заифлаштириш учун ёки бирининг улушини иккинчиси тортиб олиш учун мустамлака қилинган мамлакатларда жорий этишади, бироқ ўзаро келишганлари бўйича бир-бири билан ўз мамлакатларида урушишмайди. Дунё мамлакатлари уларнинг исканжасида бўлишлари учун, уларнинг қулига айланишлари учун уларга бир неча мажбуриятларни юклашади, масалан: ўз тузумини демократик асосга қуриш, эркин бозор иқтисодига ўтиш, улар айтгандай ислохотларни ўтказиш, ядро тарқатмаслик шартномасига қўшилиш, улар давлатлар учун белгилаб қўйган давлат чегараларига риоя қилиш, улар учун БМТ белгилаган иқтисодий ва ижтимоий ишларни амалга ошириш ва ҳоказо. Агар улар мажбуриятларни бажаришдан ожиз бўлсалар, ожизларни Васийлик кенгашига киритишиб, етим боладай ўз оталиқларига олишади. Агар бирор давлат улар юклаган вазифа ва мажбуриятларга кўнмаса, биргалашиб унга ваҳшийларча жазо қўллашади. БМТ бутун дунё устидан қандай иш юргизади, уларга қандай мажбуриятлар юклайди, унинг мақсадларини қайси органи қандай амалга оширади, булар ҳақида қуйида ўша органларнинг ўзлари берган таърифларини аввал келтириб, кейин қисқача изоҳ бериб ўтамиз:*

**1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши** – БМТнинг асосий органи. Зиммасига халқлар ўртасида тинчликни сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш масъулияти юкланган. БМТнинг барча аъзолари учун МАЖБУРИЙ қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлган ягона орган. Тинчлик ва хавфсизликка

таҳдид солиши мумкин бўлган жанжалларни текшириш ишлари билан ҳам шуғулланади. Вазиятни оғирлашишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли тadbир-чоралар тавсия қилади. Томонлар бу тавсияларни бажармаган тақдирда темир йўл, денгиз ва ҳаво йўллари, почта, телеграф, радио ёки иқтисодий алоқаларни тўхтатиш ҳуқуқига эга. Халқлар ўртасидаги тинчликни сақлашга мазкур тadbирлар ҳам кифоя қилмаса, у ҳолда қуролли кучларни ишга солишга ҳақли. Бу ҳуқуқ фақат БМТнинг Хавфсизлик кенгашига берилган. У беш доимий – АҚШ, Россия, Британия, Франция, Хитой – ва икки йил муддат билан бош Ассамблеяда сайланадиган олтита муваққат аъзодан ташкил топган. БМТнинг Хавфсизлик кенгаши аъзолари ҳар ойда кенгаш мажлисларида навбат билан раислик қилади. БМТнинг бу органи учун унинг доимий аъзоларининг ҳамжиҳатлик принципи ёки вето ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. БМТнинг Хавфсизлик кенгаши БМТга янги аъзолар қабул қилиш ҳақида тавсиялар қилади. БМТнинг васийлик вазибаларини амалга оширади. БМТ Бош секретарини сайлаш тўғрисида Бош Ассамблеяга тавсия қилади. Бош Ассамблея билан бирга халқаро суд аъзоларини сайлайди. Бош Ассамблеяга йиллик ва махсус докладлар тақдим қилади. Ҳарбий штаб комитети, Қуролланиш комиссияси, Экспертлар комитети, янги аъзолар қабул қилиш комитетлари – Хавфсизлик кенгашига ҳисобот бериб турувчи ёрдамчи органлар ҳисобланади.

БМТнинг бу асосий органи ҳақида изоҳ беришни бир оз кейинга қолдирамиз. БМТнинг бошқа органлари шу асосий органнинг планларини, мақсадларини амалга оширувчи ёрдамчи органлардир. Уларнинг матнини ва унга алоқадор изоҳларни келтириш бу асосий органни баён қилиб берувчи изоҳлар жумласига киради.

**2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши** – БМТнинг асосий органларидан бири. Иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро масалалар юзасидан тadbиротлар ўтказиши, докладлар тузиши, халқаро конференциялар чақиради, ўз ҳуқуқлари доирасидаги масалалар юзасидан конвенциялар (шартномалар) лойиҳаларини тайёрлайди. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятини координациялаш (ўзаро мувофиқлаштириш), иқтисодий ва ижтимоий масалалар юзасидан Бош Ассамблея тавсияларини амалга ошириш билан шуғулланади. Кенгашнинг 27 аъзоси бор. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Кенгаш ҳар йили икки марта навбатдаги сессияга тўпланади. Кенгашнинг доимий комитетлари (саноат тараққиёти комитети,

ноҳукумат ташкилотлар комитети, турар жой масалалари, қурилиш ва планлаштириш комитети ва бошқалар) ва функционал комиссиялари (статистика комиссияси, аҳоли комиссияси, ижтимоий комиссия, инсон ҳуқуқлари комиссияси ва бошқалар) бор. Кенгашнинг махсус органлари: Кенгайтирилган техника ёрдами программаси, БМТ болалар фонди (ЮНИСЕФ), БМТ махсус фонди ва бошқалар. Бундан ташқари Европа учун иқтисодий комиссия, Осиё ва Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссия, Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссия, Африка учун иқтисодий комиссиялар кенгаш ишига ёрдам бериб туради.

*Изоҳ: БМТ органлари ичида асосий органлардан бўлган бу орган дунё мамлакатларини иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ишлари бўйича бошқаради, қузатади ва Бош Ассамблеянинг шу соҳалар бўйича дунё мамлакатлари устидан чиқарган қарорларини мажбурий амалга оширади. Буларнинг ҳар бирининг изоҳи қуйида алоҳида-алоҳида келтирилади. Булардан ташқари бу орган бир неча иш билан шуғулланади:*

*а) «Саноат тараққиёти»ни бошқаради. У БМТ ҳар бир давлат учун белгилаган саноат соҳасини назорат қилади, яъни қайси давлатга оғир саноат, қайсинисига ҳарбий саноат ва қайси бирига енгил саноат, қайси бирига қишлоқ хўжалиги белгиланганлигини назорат қилади ва енгил саноат билан ёки қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиши белгиланган давлатни оғир саноат ёки ҳарбий саноат билан шуғулланишдан ман қилади.*

*б) «Қурилиш ва планлаштириш» масалаларини назорат қилади ва бошқаради, яъни енгил саноат билан ёки қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиши белгиланган давлатнинг оғир саноат ва ҳарбий саноатни ишлаб чиқарадиган заводларни қуришдан, уларни планлаштиришдан ва шу саноатларни ишлаб чиқаришга олиб борадиган ўқув юртларини, лабораторияларни қуришдан ва планлаштиришдан қатъиян ман қилади.*

*в) «Статистика ва аҳоли» билан шуғулланади, яъни дунё мамлакатларида қанча аҳоли бор, улар қайси миллатга мансуб, қайси территорияда яшайди, уларнинг диний эътиқодлари қандай, қайси миллат билан дўстлик-душманлик алоқалари мавжуд ва бошқа шу каби маълумотарни Бош ассамблеяга ва Хавфсизлик кенгашига топширади. Улар бу маълумотлардан сиёсий мақсадларда – ўз манфатлари юзасидан уруш-низоларни келтириб чиқаришда – ва иқтисодий масалаларда фойдаланишади.*

**3. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа учун Иқтисодий комиссияси (ЕИК) – БМТнинг Иқтисодий ва**

ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилот. 1946 йилда тузилган. Асосий вазифаси: Европа мамлакатлари иқтисодини ривожлантириш, улар ўртасида иқтисодий алоқаларни мустақкамлаш, шунингдек Европа мамлакатлари билан бошқа қитъалардаги мамлакатлар орасида иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан иборат. Комиссиянинг олий органи – умумий сессия; одатда йилига бир марта чақирилади. Ижрочи органи – секретариат. Штаб Квартираси Женевада (Швецария).

**4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссияси (ОУШИК) –** БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилот. 1947 йилда тузилган. Унинг асосий вазифаси: Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустақкамлашга ва бошқа қитъалардаги мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга ёрдамлашишдир. Комиссиянинг олий органи – умумий сессия; одатда йилига бир марта чақирилади. Ижрочи органи – секретариат. Штаб квартираси Бангкокда (Таиланд).

**5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун Иқтисодий комиссияси (АИК) –** БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилот. 1958 йилда тузилган. Асосий вазифаси: Африка мамлакатларининг халқ хўжалиги тараққиётига улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустақкамлашга ва бошқа қитъалардаги мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтиришига ёрдамлашишдир. Комиссиянинг олий органи – умумий сессия; одатда икки йилда бир марта чақирилади. Ижрочи органи – секретариат. Штаб квартираси Аддис Абебада (Эфиопия).

**6. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Лотин Америкаси учун Иқтисодий комиссияси (ЛАИК) –** БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига қарашли халқаро ташкилот. 1948 йилда тузилган. Асосий вазифаси: Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий тараққиётига, уларнинг ўзаро ва бошқа қитъалардаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларини мустақкамлашга кўмаклашишдир. Комиссиянинг олий органи – умумий сессия; одатда икки йилда бир марта чақирилади. Ижрочи органи – секретариат. Штаб квартираси Сантьягода (Чили).

**7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи конференцияси –** БМТ Бош Асамблеясининг доимий ташкилоти. 1964 йилда тузилган. Асосий вазифаси: турли мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётига

халқаро савдони ривожлантириш йўли билан кўмаклашишдан иборат. БМТга ёки унинг ихтисослашган ташкилотларига аъзо бўлган давлатлар мазкур ташкилотга ҳам аъзо бўлишлари мумкин. Конференция уч йилда бир марта чақирилади. Сессиялар ўртасидаги даврда унинг вазифаларини савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи кенгаш бошқаради. Кенгашнинг бир нечта ёрдамчи комитети ҳам бор. Бу комитетларнинг қарорларини амалга ошириш учун доимий секретариат тузилган. Штаб квартираси Женевада (Швецария).

**8. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) –** БМТ хузуридаги халқаро ташкилот. 1945 йилда тузилган, асосий вазифаси: озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам бериш. ФАО Уставидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳар бир давлат унинг аъзоси бўлиши мумкин. Ўзини-ўзи бошқара олмайдиган территориялар эса ҳамкор аъзо сифатида қабул қилинади. Олий раҳбар органи – унга аъзо бўлган давлатлар вакилларининг бош конференцияси; одатда икки йилда бир марта чақирилади. Конференциялар ўртасидаги даврда ташкилот фаолиятини Бош кенгаш назорат қилади. ФАО органларининг қарорларини амалга ошириш учун доимий секретариат тузилган. Унга конференцияда сайланадиган Бош директор раҳбарлик қилади. Штаб квартираси Римда (Италия).

*Изоҳ: БМТнинг бу органларига изоҳ беришдан олдин оғир саноат, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги ҳақида бир оз тўхталиб ўтиш лозим.*

*Мамлакатни бойитадиган биринчи асосий омил оғир саноатдир.*

*Оғир саноат – ишлаб чиқариш воситаларининг, меҳнат воситалари (машиналар, двигателлар, механизмлар) ва меҳнат предметлари (хом ашё, материал, ёқилғи)ни ишлаб чиқарувчи саноат соҳаларининг мажмуи. Оғир саноатга қазиб чиқариш соҳалари, қайта ишлаш саноатининг қатор муҳим тармоқлари, электро-энергетика, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари тармоқлари саноати, кимё, ёғочни қайта ишлаш саноати киради. Оғир саноатнинг негизи машинасозлик. Ишлаб чиқариш воситалари фақат оғир саноатда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам тайёрланади, лекин оғир саноат ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётида ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки ишлаб чиқариш қуролларини фақат оғир саноат ишлаб чиқаради. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги техника тараққиёти оғир саноатнинг тараққиёт даражаси билан ўлчанади ва у ижтимоий*

меҳнат унумдорлигининг ўсишига асос яратади ҳамда мамлакатнинг ҳарбий қудратини таъминлайди, кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш қонуни ишлаб чиқариш воситаларини, айниқса оғир саноатни тез суръатлар билан ривожлантиришдан иборат.

Оғир саноатнинг янги тармоқлари: авиация, автомобил, трактор, комбайнсозлик, станоксозлик, атом, электрон, аэрокосмик, металлургия машинасозлиги ва бошқалар. Оғир саноат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, техника тараққиётига ҳамда юқори меҳнат унумдорлигига эришишда, халқ фаровонлигини муттасил равишда ошириб боришда мамлакатнинг меҳнат, иқтисодий мустақиллигини таъминлашда асос ҳисобланади.

Капиталистик мамлакатлар орасида АҚШ, Германия, Япония, Британия, Франция, Италияда оғир машинасозлик маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилади. Собиқ социалистик мамлакатлардан Россия, Чехия, Польша, Венгрия, Руминия, Болгарияда оғир машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Оғир саноатдаги муҳим маҳсулотлар: электр энергияси, нефт, газ, кўмир, чўян, пўлат, қора металллар, трубиналар, металл кесувчи станоклар, автомобиллар, тракторлар, эксковаторлар, электр кўприк кранлари, йигирув машиналари, кемалар, мис, руҳ, қўрғошин, боксит, алюминий, магний, титан, уран, фосфорит, олтингугурт, цемент ва бошқалар.

Авиация саноати – машинасозлик саноатининг бир тармоғи. Авиация саноати самолётлар, вертолётлар, авиация двигателлари ва бошқа авиация учун керакли асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Авиация гражданд ва ҳарбий авиацияга бўлинади. Авиация саноати АҚШ, Британия, Франция, Италия ҳамда Германияда яхши ривожланган.

Ҳарбий саноат – мамлакатларнинг куч-қудратини белгиловчи асосий омил. Саноатини ҳарбий асосга қурмай, оғир саноат, машинасозлик саноати асосига қурган давлат бой бўлиши мумкин, бироқ, қудратли давлат бўла олмайди. Давлатнинг қудрати, дунё сахнасида нуфузга эга бўлиши унинг ўз ҳарбий саноатини қанчалик тараққий эттирганига боғлиқ. Ҳозирги замон тараққий этган ҳарбий саноатнинг маҳсулотлари: ядро ва термо ядро қуроллари, баллистик ракетаалар, атом ва водород бомбалари, химиявий ва биологик қуроаллар, космик қуроаллар ва булардан бошқа ҳарбий техникалардир. Ҳарбий саноати юқори даражада тараққий этган давлатлар АҚШ, Россия, Британия, Франция ва Хитой давлатларидир.

Енгил саноат – хом ашёнинг хилма-хил турларидан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ва бири бири билан ўзаро боғланган саноат тармоқлари йиғиндиси. Енгил саноатда пахта, каноф толаси, жут кабилардан, ҳайвон териси, жун, сунъий тола, чармлардан хом ашё сифатида фойдаланилади. Енгил саноатга хом ашёни даслабки ишлаш ва ип-газлама, жун, шойи тўқиш, каноф-жут, трикотаж, тикувчилик, чарм-поябзал, тўқимачилик, атторлик, кигиз, мўйна, тери ошлаш, сунъий чарм, пўстин тикиш ва шу каби тармоқлар киради. Енгил саноатнинг янги турларидан бири чинни буюмлар ишлаб чиқаришдир. Енгил саноат кенг истеъмол молларидан ташқари халқ хўжалигининг кўп тармоқлари учун керак бўлган маҳсулотлар: мовут, мебелбоп газламалар, кирзалар, қайиш ленталар, балиқ тутиш учун ишлатиладиган тўрлар ва бошқа нарсалар ишлаб чиқаради.

Енгил саноат собиқ социалисттик мамлакатлардан Россия, Польша, Хитой, Болгария, Руминия, Чехия, Венгрияда, капиталисттик мамлакатлардан АҚШ, Британия, Япония, Франция ва Италияда ривожланган. Енгил саноат мамлакатни қудратли мамлакат қила олмайди. Аксинча оғир саноати, машинасозлик саноати ривожланган мамлакатнинг енгил саноати ҳам ривожланган бўлади.

Қишлоқ хўжалиги – моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқларидан бири; деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг кўпгина тармоқларини хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Қишлоқ хўжалиги деҳқончилик (далачилик, сабзавотчилик, мевачилик ва ҳоказолар) ҳамда чорвачилик тармоқларини ўз ичига олади. Буларни биргаликда тўғри қўшиб олиб бориш моддий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатни тараққий эттирмайди, қудратли мамлакатга ҳам айлантормади, аксинча мамлакатни хом ашё базасига айлантириб, саноати тараққий этган мамлакатга қарам давлатга айлантиради. Оғир саноати тараққий этган мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги ҳам тараққий этади. Йўқса мамлакат ҳам қолоқ бўлади. Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти оғир саноатга чамбарчас боғлиқ.

Қўйида БМТ дунё мамлакатларига қандай вазифаларни тақсимлаганини ва уларга қандай мажбуриятлар юклаганини кўриб чиқамиз:

1) АҚШ, Россия, Британия, Франция ва Хитой саноатнинг барча турлари ҳарбий саноатнинг барча тури, авиация саноатининг барча тури, оғир саноат, машинасозлик саноати, енгил саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек уларнинг зиммасига маҳсулотларни ишлаб чиқиб ҳарбий саноат маҳсулотининг баъзи бир турларини ва қолган саноатнинг маҳсулотларини дунёнинг бошқа мамлакатларига етказиб бериш ва улар билан савдо қилиш вазифаси юкланган.

2) Европа мамлакатлари ҳарбий саноатнинг фақат мудофаа учун зарур бўлган миқдорда ядросиз, фазога алоқаси бўлмаган, қитъалараро баллистик ракетадан бошқа турлари, саноатнинг барча турлари – оғир саноат, машинасозлик саноати, енгил саноат – ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек уларнинг зиммасига бошқа мамлакатларга шу маҳсулотларни ишлаб чиқиб етказиб бериш ва улар билан савдо қилиш вазифаси юкланган.

3) Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ҳарбий саноат билан, машинасозлик саноатининг барча тури билан шуғулланиши тақиқланган. Улар енгил саноатнинг баъзи турлари билан ва асосан қишлоқ хўжалиги билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган пахта териш машинаси, ер ҳайдаш трактори каби машинасозлик саноатининг баъзи турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Уларнинг зиммасига бошқа мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва хом ашёни етказиб бериш ва улар бўйича савдо қилиш вазифаси юкланган.

4) Африка мамлакатлари ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати билан шуғулланиши тақиқланган. Улар қисман енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Уларнинг зиммасига бошқа давлатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шунингдек саноат хом-ашёсини етказиб бериш ва улар билан шу нарсалар асосида савдо қилиш вазифаси юкланган.

5) Лотин Америкаси мамлакатлари ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати билан шуғулланиши тақиқланган. Улар қисман енгил саноат билан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ва саноат хом ашёларини тайёрлаб бериш билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Улар зиммасига бошқа мамлакатларга шу маҳсулотларни етказиб бериш ва улар билан шу маҳсулотлар хусусида савдо қилиш вазифаси юкланган.

Юқорида зикр қилинган вазифаларни амалга оширувчилар БМТнинг Европа учун иқтисодий комиссияси, БМТнинг Осиё ва

Узоқ Шарқ учун иқтисодий комиссияси, БМТнинг Лотин Америкаси учун иқтисодий комиссияси, БМТнинг Африка учун иқтисодий комиссияси ва БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти органларидир.

Мамлакатларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига баҳо белгиловчи ва уларнинг савдосига раҳбарлик қилувчи орган БМТнинг савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи конференциясидир.

БМТнинг белгилагани бўйича ва унинг раҳбарлиги воситасида дунё давлатлари орасида жорий бўлаётган иқтисодий савдо ишлари тўғрисида бир неча мисоллар:

Америка чет давлатлардан, асосан араб давлатларидан, ўзи учун керак бўлган нефтнинг 51%ини сотиб олади. Бунинг учун араб давлатларига 51 млрд. 330 млн. доллар тўлайди ва ўзининг бозорларида уни 389 млрд. 310 млн. долларга сотади. Натижада бир йилда 338 млрд. 980 млн. доллар соф фойда кўради.

Британия ўзи учун керак бўлган нефтнинг 99%ини четдан, асосан араб мамлакатларидан сотиб олади. Натижада йилига 150 млрд. доллар соф фойда кўради.

Франция ўзи учун керак бўлган нефтнинг 75%ини четдан, асосан араб давлатлари ва Эрондан сотиб олади ва йилига 113 млрд. доллар соф даромад олади.

Италия ҳам йилига 150 млрд. доллар соф даромад олади.

Германия эса йилига 106 млрд. 845 млн. доллар соф даромад олади.

Бу давлатлар нефтнинг бир тоннасини 115 доллардан сотиб олишиб, ўз бозорларида эса бир тонна нефтни 878 долларга сотишади. Сотиб олишда ҳам сотишда ҳам нархни фақат улар белгилайди. Бу ҳисобга нефтдан яна юздан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилишини қўшиб ўзингиз ҳисоблаб кўринг!! Барча араб давлатлари ва Эрон бир йилда 110 млрд. 246 млн. доллар даромад олади, уни олиб кетган Европа давлатлари ва Япония 840 млрд. 628 млн. доллар соф даромад олади.

Яна бир мисол: Жанубий Африка Республикаси ва Намибиядаги олмос конлари, шунингдек Африкадаги йирикроқ олмос конларининг барчаси Британия тасарруфидадир. Британия улардан хом ашё сифатида қоқи баҳосида олиб, сайқаллаб ишлов бериб юзлаб баробар қимматига сотади. Бир йилнинг ўзида Жанубий Африка Республикаси 10,2 млн. карат, Намибия 1,01 млн. карат олмос қазиб чиқарган.

Яна бир мисол: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун ажратилган республика. Майдони 447 400 км<sup>2</sup>. Аҳолиси 25 млн. киши. Йиллик даромадининг аниқ маълумоти қасддан ҳеч қаерда берилмаган. Етиштирган пахтасини чигитидан ажратиб олиб жаҳон бозорида сотса, бир йиллик даромади 1 млрд. доллар атрофида бўлади. БМТ томонидан 1 тонна пахта момиғига ҳозир 800 доллар нарх қўйилмоқда. Қирғизистон қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик учун ажаралтилган республика. Майдони 198 500 км<sup>2</sup>. Аҳолиси 5 млн. киши. Йиллик даромади 8,4 млрд. Ҳозир республиканинг асосий тармоғи бўлган чорвачиликда 4 млн. қўй бор, агар қўйни ўртача 30 кг.дан ҳисоблаб, бирорта ҳам қолдирмай жаҳон бозорига олиб бориб сотилса, кўпи билан 300 млн. доллар бўлади.

Бельгия оғир саноат, машинасозлик саноати билан шуғулланиши мумкин деб ажратилган давлат. Майдони 30 507 км<sup>2</sup>, аҳолиси 11 млн. киши, йиллик даромади 181,5 млрд. доллар.

Қирғизистон, айниқса Ўзбекистон табиий қазилма бойликларга кон бўлган давлат. Уларда Менделеев жадвалида келтирилган моддаларнинг деярли барчаси мавжуд. Бироқ улар саноатлашган давлатларга хом ашё базаси қилиниб қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланишга мажбур қилинади. Таққос қилиб кўринг: Бельгиянинг майдони Қирғизистондан олти ярим баробар кичик, Ўзбекистондан эса ўн тўрт ярим баробар кичик. Бельгиянинг табиий бойликлари Қирғизистоннинг ҳам, Ўзбекистоннинг ҳам табиий бойликларидан оз, аммо йиллик даромади Қирғизистонникидан йигирма бир ярим баробар кўп, Ўзбекистонникидан эса бир неча баробар кўп.

Яна бир мисол: Майдони 8,5 млн. км<sup>2</sup>. аҳолиси 150 млн. атрофида бўлган Бразилия жуда катта фойдали қазилмалар запасига эга, жумладан темир рудачи 100 млрд. тонна, марганец рудаси 100 млн. тонна, уран рудаси 265 минг тонна, боксит, рангли металл, олмос, кумуш, олтин, нефт, 21 млрд. тонна кўмир ва бошқа қазилма бойликлари бор. Шу билан бирга 40 млн. бразилиялик ўта ночор ҳаёт кечиради. Унинг ташқи қарзи 200 млрд. доллар атрофида.

Эллик бешта мамлакатдан ташкил топган Африка қитъасининг аҳолиси 750 млн. киши майдони 30,3 млн. км<sup>2</sup>, ҳамма қазилма бойликларнинг улкан запас конларига, шунингдек афсонавий иқлим, ҳайвонот дунёсига эга бўлган бутун Африка қитъасининг йиллик даромади 485 млрд. 829 млн. доллар.

Йигирма олтита давлатдан ташкил топган Лотин Америкасининг майдони 21 млн. км<sup>2</sup>, аҳолиси 476 млн. киши. Қазилма бойликларнинг улкан запасига, ажойиб иқлим, ўрмон хўжалиги,

хайвонот дунёсига эга бўлган бу қитъанинг йиллик даромади 2 трлн. 815 млрд. доллар.

Территорияси 9.373 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 280 млн. киши бўлган АҚШ давлатининг йиллик даромади 6,7 трлн. доллар. Майдони 244 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 60 млн. киши атрофида бўлган Британиянинг ўзидан чиқадиган фойдали қазилмалари ўз эҳтиёжларига етмайди. Нефтнинг 99%ини четдан олиб келади, лекин шу биргина нефтдан 150 млрд. доллар фойда олади. Унинг йиллик даромади 1,045 трлн. доллар.

Аҳолиси 58 млн. киши, майдони 551 000 км<sup>2</sup> бўлган Франция давлатининг йиллик даромади 1,08 трлн. доллар.

Бу каби мисоллар рўйхатини жуда узун келтириш мумкин. Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Ери кичкина, фойдали қазилма бойликлари оз бўлган Европа давлатлари, Америка, Япония нима учун бу даражада афсонавий бой, шу вақтнинг ўзида ери катта, фойдали қазилмаларга бой Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари ўзини боқа олмайдиган даражада қарзга ботган?

**Жавоб:** Бунинг сабаби биринчи навбатда ҳозирги кунда ҳукмрон бўлган капиталистик тузумга, сўнгра социалистик тузумга ва уларнинг дунё мамлакатлари устидан олиб бораётган бошқарув системасига бориб тақалади. Уларнинг бу системани амалга оширувчи қуроли БМТдир. Бу бошқарув системаси яхшироқ тушунилиши учун қуйида баъзи мисолларни келтириб ўтамыз:

1) Европа давлатлари ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати ва енгил саноат билан шуғулланиб ишлаб чиқарган маҳсулотларига ўзлари хоҳлаган нархни белгилайдилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари жуда улкан фойдали қазилма бойликларига эга бўлсалар ҳам уларни ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати билан шуғулланишдан ман этадилар ва унинг ўрнига қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга мажбур қиладилар. Уларнинг фойдали қазилма бойликларини хом ашё ҳолида ўзлари нарх белгилаб, қоқи баҳосида сотиб оладилар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам ўзлари нарх белгилаб арзон баҳода сотиб оладилар. Ўрнига эса, ўзларининг саноатида ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзлари нарх қўйиб, осмон баҳосида мажбурлаб ўтказадилар. Таққос учун: 1кг. пахтани 80 цент, юқори сифатли 1кг. жунни 78 цент баҳода сотиб оладилар. Шу иккаласидан Францияда ишланган костюмнинг Дубай эркин бозоридаги нархи 660 доллар. 1 тонна нефтни 115 долларга сотиб олиб, 878 долларга сотишади. Темир рудаларини, рангли металларни хом ашё сифатида қоқи баҳосида сотиб олиб, ундан автомобиль ва

самолёт ишлаб чиқариб минг баробар қимматига сотишади. Биргина автобус сотиб олиш учун 86 гектар ердан чиққан пахтани ёки 1800та қўйни ёки 782 тонна нефтни сотиш керак бўлади.

2) Европа давлатлари қазилма бойликлари катта бўлган ёки нефт захираси кўп бўлган Осиё ва Африка давлатларида сунъий равишда урушлар келтириб чиқаришади. Натижада ўзларининг ҳарбий саноатида ишлаб чиқарилган қурол-аслаҳа, ўқ-дориларни ўзлари белгилаган осмон баҳосида сотишади, ўрнига хом ашё маҳсулотларини ўзлари истаган баҳода сотиб олишади ва уларни қарзга ботириб юборишади. Таққос учун: Танкка қарши ишлатиладиган бир дона қурол 100 минг доллар. Бир дона танк 1 млн. доллар. Бу пулга қанчадан-қанча хом ашё сотиб олса бўлади. Қурол пойгаси авжига чиққан йилларда биргина 1988 йили АҚШ ҳарбий саноати учун 291 млрд. доллар сарф этди. Ишлаб чиқарган маҳсулотининг катта қисмини (оммавий қирғин қуроллари бўлмаганларини) учинчи дунё мамлакатларига осмон баҳосида мажбурлаб сотди ва ўрнига арзон баҳода хом ашё олди. Жаҳондаги уруш бўлаётган мамлакатлар Европа давлатларининг ҳарбий саноати маҳсулотларининг сердаромад бозорларидир. Улар доимий бозорлар учун янги-янги урушларни келтириб чиқаришади.

3) Европа давлатлари келишган ҳолатда ўз пулларини барқарор ушлаб турадилар ва учинчи дунё давлатларининг пулларинин сунъий равишда инфляцияга учратадилар, мақсад хом ашёни янада арзон баҳода олиб чиқиб кетиш, у давлатларни қарзга ботириб, доимо ўз мустамлакасида сақлаб қолишдир. Бунга қўшимча у давлатларнинг хом ашёларининг нархини сунъий равишда, масалан, «истеъмолдан ортиқча» каби сўзларни тарқатиш билан пасайтирадилар. Мисол учун: бир неча йил олдин 1 тонна пахтанинг баҳоси 1600 доллар эди, 1 долларнинг ўзбек пулига нисбатан қиймати эса 160 сўмга тенг эди, ҳозир эса 1 тонна пахтанинг баҳоси 800 доллар. 1 долларнинг ўзбек сўмига нисбатан қиймати 1000 сўмдан юқори.

4) Европа давлатлари ўзларининг жирканч, ёвуз қопқон бўлган иқтисод тузумларини, «ҳиссадорлик жамияти»ни учинчи давлатларга мажбурлаб ўтказадилар. Хусусийлаштириш қонунини амалга ошириб, мазкур давлатларнинг хусусий фирмаларининг акцияларини сотиб оладилар, сўнгра ундан чиққан соф фойдани ўз мамлакатларига олиб чиқиб кетадилар.

**9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Васийлик Кенгаши** – БМТнинг васийлик системасига қўшилган ҳудудларнинг бошқарилишини назорат қиладиган Хавфсизлик кенгашининг

доимий аъзоси бўлиб, лекин васийликдаги ҳудудларни бошқармайдиган, васийликни амалга ошириш учун Бош Ассамблея уч йил муддатга сайлаган давлатлардан ташкил топган ташкилот. Васийлик кенгаши 1946 йил декабрда БМТнинг биринчи сессиясида ташкил этилган. БМТ уставининг 87-моддасига мувофиқ Васийлик кенгаши васийликка олган ҳокимиятнинг йилда бир марта тақдим этадиган ҳисоботини ҳамда васийликдаги ҳудуд халқидан тушган илтимос ва талабларни кўриб чиқади, васийликка олинган ҳудудларга бориб топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади ва ҳоказо. Васийлик кенгаши ўз фаолиятини Бош Ассамблея раҳбарлиги ва назорати остида олиб боради. Васийлик кенгашида масала кўпчилик овоз билан ҳал қилинади. Ҳозир васийлик системасида Янги Гвинея ва васийлик остидаги стратегик ҳудудлар деб эълон қилинган Тинч океани ороллари қолган холос. Бошқарувчи ҳокимияти – АҚШ.

*Изоҳ: Осие, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари БМТ тарафидан юкланган мажбуриятларни ўз зиммасига ололлайдиган ва тўлайдиган қул давлатлардир. Уларнинг хўжайинлари БМТни ташкил этган, асосан беш давлат; Америка, Россия, Британия, Франция ва Хитойдир. Васийлик системасидаги ҳудудлар эса мазкур хўжайинларининг топшириқларини сўзсиз бажарадиган, масъулиятни кўтара олмайдиган, ҳимояга мухтож «етим қулваччалардир».*

**10. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари декларацияси** – БМТ низомида эълон қилинган декларация. Декларация халқлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, кишилар турмушини яхшилаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантиришга кўмаклашиш каби шиорларга асосланган. БМТнинг Бош ассамблеясида 1948 йили 10 декабрда қабул қилинган. Шу декларацияга биноан ҳар бир инсон – миллати, жинси, ирқи, табақаси, тили, динидан қатъий назар – декларацияда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлардан ҳеч қандай чекланишсиз фойдаланиши мумкин. БМТнинг инсон ҳуқуқлари декларациясига биноан ҳар бир шахс касб танлаш эркинлиги, меҳнат қилиш ва унга ҳақ олиш, меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилиш, ишсизликка қарши курашиш, инвалидлик, қарилик нафақа (пенсия)ларини олиш, дам олиш ва вақтинча ишга қобилиятсиз кунларига нафақа олиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Декларацияга биноан меҳнаткашлар касаба уюшмалари ташкил этишлари ва улардан ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин.

**Изоҳ:** БМТнинг қандай ташкилот эканлигини, унинг асл моҳияти, мақсадлари нимадан иборатлигини билмаган кишилар БМТнинг инсон ҳуқуқлари декларациясини, унинг баландпарвоз шиорларини ўқиган, эшитган вақтда уларнинг кўз ўнгларида у инсонларга бахт-саодат улашувчи, ҳаётни фаровон қилувчи ва барча бало-қазолардан асрагувчи бўлиб гавдаланади. Шундай кишилар уни «нур-ёруғлик» фаҳмлаб унга парвонадек интиладилар. Аслида қандай? Инсон ҳуқуқлари нималардан иборат? Уларни ким белгилайди?

**Инсон ҳуқуқларини БМТни ташкил қилган беш давлат АҚШ, Британия, Россия, Франция ва Хитой биргаликда келишиб-маслаҳатлашиб белгиладилар. Қуйида уларнинг инсонлар учун, давлатлар учун белгилаган ҳуқуқларнинг айримлари:**

1) Дунё устидан ҳукмронлик қилишга шу беш давлат ҳақли, бошқаларнинг ҳаққи йўқ.

2) Қонун чиқаришга, халқаро ташкилотларни ташкил қилишга, давлатларга вазифалар белгилашга, топшириқлар беришга шу беш давлат ҳақли, бошқалар уларнинг чиқарган қонунларини ижро қилишга, уларнинг берган вазифаларини ва топшириқларини бажаришга мажбур.

3) Ҳарбий саноатнинг барча тури билан, оғир саноатнинг барча тури билан, машинасозлик саноатининг барча тури билан, енгил саноатнинг барча тури билан шуғулланишга шу беш давлат ҳақли. Бошқаларнинг ҳаққи йўқ, улар шу беш давлатнинг корхоналарига хом ашё етказиб беришлари ва улар белгилаган соҳалар билангина машғул бўлишлари шарт. Жумладан: Европа давлатлари ҳарбий саноатнинг қитъалараро баллестик ракеталарсиз қисмлари билан шуғулланиши мумкин – бу ҳам чекланган миқдорда – ва оғир саноат, машинасозлик саноати, енгил саноатнинг ҳамма тури, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга ҳақли. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати билан шуғулланишга ҳақлари йўқ. Улар енгил саноат, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишлари шарт, машинасозликнинг шу қишлоқ хўжалиги учун керакли бўлган турлари билан шуғулланишлари мумкин. Қайси бир давлатнинг улар белгилагандан бошқа соҳалар билан, машинасозлик саноати ёки енгил саноат билан шуғулланаётганини кўрсангиз, синчиклаб текширсангиз албатта икки ҳолатнинг бири бўлади: Биринчиси: Ушбу давлат БМТ ташкил бўлишидан илгари саноатлашиб улгурган ва ҳозирда давом этиб келаётган бўлади. Иккинчиси: мазкур беш давлатнинг бирига қарам бўлган давлатни иккинчи йирик давлат ўз томонига оғдирмоқчи бўлса, уни қизиқтириш, илинтириш учун уни

махфиёна йўллар билан саноатлаштиради ва ўзига қарам қилиб олади.

4) Дунёнинг барча давлатлари шу беш давлатнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига ўз бозорларини очиб қўйишлари шарт.

5) Маҳсулотларга, хом ашёларга нарх қўйиш шу беш давлатнинг ҳуқуқи.

6) Барча давлатларнинг конституциялари шу беш давлат белгилаганидек, БМТ устави ва резолюцияларига мувофиқ бўлиши шарт. Йўқса у давлатни давлат сифатида тан олинмайди. Шунга кўра барча давлатларнинг давлат тузуми демократия асосидаги капиталистик тузум ёки социалистик тузум бўлиши шарт (ҳозирги кунда Ислом давлати номини олган давлатларнинг давлат тузуми номи Исломий бўлган, аслида эса капиталистик тузумдир).

7) Улар барча давлатларга мажбурий тавсиялар бериб демократия асосидаги, ватанпарварлик асосидаги, миллийлик асосидаги ва социалистик асосдаги партияларни тузишга ихтиёрий-мажбурий ундайдилар, ташкил бўлган партияларни программалар, йўлланмалар ва моддий нарсалар билан таъминлайдилар. Мақсад шундай партиялар номидан мустақиллик шиорини баланд кўтариб ўзлари тузган дунё харитасини ўзгартирмай сақлаб қолиш, давлатларнинг, халқларнинг бирлашиб кетишини олдини олиш ва шу партияларнинг ёрдам сўраб қилган нидоларига жавобан уларнинг давлатларини жиловлаб мустамлакада ушлаб туришдир.

8) Барча давлатларнинг мактаблардаги, техникум, институт, университет ва бошқа ўқув муассасаларидаги таълим-тарбия программалари ва ўқув қўлланмалари БМТ резолюция-қарорларига мувофиқ бўлиши шарт. Қишлоқ хўжалиги учун ажратилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг таълим-тарбия программалари фақат қишлоқ хўжалиги мутахассислари етишиб чиқадиган услубда бўлиши шарт. Уларнинг ўқув муассасаларида ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати мутахассисларини етиштириб чиқарадиган программаларнинг бўлиши катъиян ман этилади. Бу каби программалар фақат шу беш давлатнинг ўқув муассасалари учун хос, шунингдек қисман Европа давлатлари учун мумкин. Осиё, Африка, Лотин Америкаси фуқароларини шу беш давлатнинг ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати мутахассисларини етиштириб чиқарадиган олий ўқув юртларига қабул қилинмайди, қабул қилинган тақдирда уларни шу мутахассислик бўйича шу давлатларнинг ўзида ишлаши шарт қилинади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозир ер юзида ҳаётнинг барча муаммоларига ўз ечимини берадиган учта тузум мавжуд: Улар капитализм, социализм ва Ислом. Ислом давлати 1924 йили кофир давлатлари томонидан йўқ қилинган. Социализм тузуми муваффақиятсизликка учради. Ҳозирча халқаро майдонда капитализм турибди. Унинг туриши соғлом тузум бўлгани учун эмас, балки соғлом-тўғри бўлган Ислом тузумининг ҳаётда вақтинча йўқ бўлиб тургани учундир. Ислом давлати ҳаётга қайтиб келиши биланоқ капитализм ҳам, социалистик тузум ҳам ва бошқа инсоний тузумлар ҳам бирор кун оёққа тура олмайдилар ва юқорида зикр қилиб ўтилган зулмларини қила олмайдилар. У кунда дунё харитаси ўзгаради. Халқаро иқтисод, халқаро сиёсат Ислом давлатининг адолатли бошқаруви остида янгича тус олади. Улар шуни яхши билганлари учун Ислом давлатини қайтиб яна ҳаёт майдонига келишининг олдини тўсиш мақсадида жон-жаҳдлари билан тўсиқ қўядилар. Бир томондан ҳар хил тўхмат ва бўҳтонлар тўқиб чиқарадилар. Масалан: Ислом тарафдорларини ХХ асрда «ваҳҳобийлар», «диний экстремистлар» деб аташган бўлса, Америка бошлиқ барча давлатлар ХХI асрдан бошлаб уларни «ҳалқаро террористлар» деб аташга келишиб олдилар. Иккинчи томондан барча Ислом юртларидаги мактаб, мадраса ва олий ўқув юртларининг программаларини «Ислом сиёсатга аралашмайди, у ибодат, ахлоқ ва урф-одатлардангина иборат диндир» деган асосда қўядилар ва шуни қаттиқ назорат қиладилар. Шунинг учун у программа асосидаги мадрасалардан «Ислом сиёсатга аралашмайди», «ҳақиқий демократия тўлалигича Исломда мавжуд» «Халифалик фақат 30 йил бўлади» каби шиорларни кўтариб чиқадиган уламолар етишиб чиқади ва шундайларга доктор, шайх, муфтий унвонлари берилиб, уларни юқори диний лавозимларга қўйилади. Исломнинг ҳақиқий моҳиятини, унинг ҳаётнинг барча муаммоларига энг тўғри ечим берадиган сиёсий тузумлигини билганларни ва шунга даъват қилганларни ҳар хил тўхматлар, айбловлар билан жиноятчи қилиб қамоққа ташлайдилар.

Юқорида зикр этилганлар мазкур беш давлат ўзаро келишган ҳолда дунё халқлари устидан белгилаган ҳуқуқлардир. Мана шу унинг асл моҳияти. Бу моҳиятдан беҳабар бўлганлар БМТнинг инсон ҳуқуқлари декларациясидаги асли йўқ алдамчи тузоқ, усти ялтироқ шиорларни ўқиб ёки эшитиб поймол этилган ҳуқуқларини тиклаб беришларини улардан сўраб, давлатлари, раҳбарлари устидан шикоят қиладилар. Натижада ўз халқини, мол-мулкни, бор-йўгини БМТни ташкил қилган давлатларга қўл-оёғини боғлаб қул қилиб

берадилар. БМТнинг инсон ҳуқуқлари декларацияси инсон ҳуқуқларини ўз ўрнига қўйиш учун эмас, балки дунё халқларини ўша беш давлатга боғлаб бериш учун тузоқ сифатида қўйилган. Дунёдаги барча бахтиқароликларнинг, урушларнинг, бало-офатларнинг, инсон ҳуқуқларининг поймол этилишларининг бош сабаби ва манбаи шу БМТ ва унинг органларидир. БМТни тан олиш, унга қўшилиш, ундан мадад сўраш, унинг тавсиясига алданиб демократик, социалистик ёки миллийлик асосида партия тузиш ўз халқига, миллатига, динига, мол-дунёсига хиёнат ва ўз жонига қасд қилишдир.

Халқлар ўртасидаги катта тафовут, баъзиларининг хўжайин, бошқаларнинг қул бўлиши, баъзи Европа давлатларидаги ишчиларнинг ўртача йиллик маоши юз минглаб доллар бўлгани ҳолда, Осиё, Африка, Лотин Америкасида кишилар иш топа олмаслиги, топганларининг йиллик маоши бир неча юз доллардан ошмаслиги ва баъзиларнинг ҳатто беш йиллаб ўша ойликни ҳам ола олмаслиги, сунъий очарчиликка йўлиқишлари, юз миллионлаб кишиларнинг сиёсий қочоқларга айланиши, уй-жой у ёқда турсин ҳатто ватанидан ҳам айрилиши, буларнинг барча-барчаси шу БМТ бошқарувининг самараларидир.

**11. Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шугулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО)** – БМТ ҳузуридаги ташкилот. 1945 йилда тузилган. ЮНЕСКОнинг мақсади маориф, фан ва маданият соҳасида мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан дунёда тинчлик ва хавфсизлик бўлишига қўмаклашишдир. БМТга аъзо давлатлар уставга мувофиқ ЮНЕСКОга ҳам аъзо бўлишлари мумкин. БМТ аъзоси бўлмаган давлатлар ташкилотга БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши тавсияси билан қабул қилинади, ўзини-ўзи бошқара олмайдиган ҳудудлар эса ҳамкор аъзо сифатида қабул қилиниши мумкин. Олий раҳбар органи – унга аъзо бўлган давлатлар вакилларининг Бош конференцияси, икки йилда бир марта тўпланади. Олий ижрочи органи – мазкур давлатлар вакиллари томонидан сайланадиган 30 кишилик Бош кенгаш. ЮНЕСКО органларининг қарорларини амалга ошириш учун доимий секретариат тузилган, унга Бош конференцияда 6 йиллик муддатга сайланадиган Бош директор раҳбарлик қилади. Штаб квартираси Парижда. ЮНЕСКО турли мамлакатларда ҳар хил илмий ва маданий тадбирлар ўтказиб туради ёки бу ишларга ёрдамлашади. Ташкилот илмий оммабоп «ЮНЕСКО куръери» (рус, испан, инглиз,

француз ва араб тилларида) ва бошқа журналлар, турли китоблар нашр этади.

*Изоҳ: БМТнинг бу ташкилоти дунё халқлари ва давлатлари устидан маориф, фан ва маданият соҳаларида бошқарувни ўз қўлига олади ва уни қаттиқ назорат қилади. Мақсад дунё давлатлари БМТ тарафидан улар учун белгиланган вазифа ва мажбуриятлардан бошқа томонга бурилиб кетмасин, яъни қишлоқ хўжалиги учун белгиланган давлатларнинг ўқув қўлланмалари, фанлари саноатлашган давлатларнинг ўқув қўлланмалари ва фанлари каби бўлмасин. Маориф, фан ва маданият соҳаларининг барчаси, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар улар томонидан қўйилган цензурадан ўтказилади. БМТнинг асл қиёфасини, етакчи мустамлакачи давлатларнинг сиёсатини фош қилган ҳар қандай фикр ва ёзма манбаларни, телекўрсатувларни, радиоэшиттиришларни қатъиян ман қиладилар. Улар олға сураётган маданиятдан ўзга маданиятнинг яшашига йўл қўймайдилар. Шунинг учун ўзликни танитадиган маданиятларни, Исломий маданиятни, ҳатто биргина рўмол ёпиниб юришни ҳам қатъиян ман қиладилар. Улар матбуот устидан ҳам кучли назорат қиладилар. Бутун дунё журналистларини, уларнинг иш услубларини, улар тарқатадиган хабарларини ўз қолипларига соладилар. Бунинг учун халқаро журналистлар ташкилотини тузишган.*

**12. Атом энергияси буйича халқаро агентлик (МАГАТЕ) –** БМТ қошида атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланишни кўзлаб тузилган ҳукуматлараро ташкилот. БМТ Бош Ассамблеясининг қарори асосида 1954 йил 4 декабрда таъсис этилган. 1956 йил сентябр ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган халқаро конференцияда МАГАТЕ устави қабул қилинди. Устав 1957 йили 29 июлда кучга кирди. Агентлик ҳар йили ўз фаолияти ҳақида БМТ Бош Ассамблеясига докладлар тақдим этади. МАГАТЕга 107 давлат аъзо. Агентликнинг олий органи ҳар йили чақириладиган Бош конференциядир. МАГАТЕ жуда кўп халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Асосий вазифаси – атом энергияси соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш учун курашишдан иборат. Агентликнинг Австрия, Италия ва бошқа жойларда илмий тадқиқот лабораториялари бор. Конференциялар, симпозиумлар, семинар ва кенгашлар ўтказиб туради. Ривожланаётган мамлакатларга эксперт мутахассислар юборади.

*Изоҳ: Атом энергияси улкан энергия манбаидир. Ундан икки мақсадда фойдаланилади: Биринчиси тинч мақсадларда фойдаланиш.*

*Иккинчиси ҳарбий мақсадларда фойдаланиш. Атом ёқилғиси кислородсиз, герметик ёнаверади. Ундан планеталараро учишларда ва сув остида фойдаланиш мумкин. Атом ёқилғиси тутун чиқармайди ва кам жойни эгаллайди. Атом ёқилғисининг концентрацияси катта. Шунинг учун бундай ёқилғи билан самолётлар ерга қўнмасдан бир неча суткалаб учиши, денгизда кемалар узоқ сузиб юриши мумкин. Атом энергияси запаслари битмас-туганмас. Атом электр энергиясини ишлаб чиқаришда ҳам асосий манба бўлиши мумкин. Биргина АЭС бир неча ўнлаб ТЭС ва ГЭСлар берадиган электр энергиясини беради. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш мамлакатнинг оғир ва енгил саноатини ривожлантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади ва у мамлакатни бой мамлакатга айлантирадиган сабаблардан биридир. Атом энергиясидан ҳарбий соҳада фойдаланиш мамлакатни қудратли мамлакатга айлантиради. Бугун атом энергиясидан назарий жиҳатдан фойдалана оладиган бир қанча мамлакатлар бор. Бироқ БМТни ташкил қилган беш йирик давлат ундан тинч мақсадларда фойдаланиш учун Европага рухсат беради. Аммо Лотин Америкаси, Африка ва Осиё мамлакатлари учун ҳатто тинч мақсадларда фойдаланишга ҳам рухсат бермайди ва уни қаттиқ назорат қилади. Ундан ҳарбий соҳаларда фойдаланишга ўзи якка эгалик қилишга қаттиқ уринади.*

**13. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги халқаро суд** – давлатлараро ҳуқуқий низоларни кўришга, давлатлар томонидан суд қарамоғига топширилган келишмовчиликлар юзасидан мажбурий қарор чиқаришга, БМТнинг Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик кенгаши ташкилотлари илтимослари ва БМТнинг бошқа ташкилотлари рухсати билан ҳуқуқий масалалар юзасидан консультатив хулоса чиқаришга ваколатли ташкилот. У 1945 йилда ташкил этилган ва Гаага шаҳрида жойлашган. БМТ Устави асосида иш олиб боради. Суд 15 аъзодан иборат. Улар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик кенгашининг алоҳида мажлисида 9 йил муддатга сайланади.

*Изоҳ: Қайсидир давлат БМТ Уставига амал қилмаса ёки БМТнинг ўзини тан олмаса ёки мазкур беш давлатга қарата «Биз ҳам сизлар билан бир хил одаммиз, нима учун сизлар хўжайин, биз эса қул бўлишимиз керак? Нима учун сизлар ҳарбий саноат, оғир саноат, машинасозлик саноати ва енгил саноат, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга тўла ҳақлисизлар, бизлар учун эса мумкин эмас? Сизлар атом, водород бомбалари устида янги-янги кашфиётлар қилсангиз бу тараққиёт, фан ютуқлари деб аталади. Биз*

*Ўзимизни ҳимоя қилиш учун автомат сотиб олсак террорист аталамиз. Сизларга бу ҳуқуқни ким берди? Биз ҳам сизлар билан бир хил ҳуқуққа эгамиз, сизлар учун нима мумкин бўлса биз учун ҳам шу нарса мумкин» деб айтса, мазкур беш давлатдан (АҚШ, Британия, Россия, Франция, Хитой) ташкил топган Хавфсизлик кенгаши у давлатни шу беш давлатдан ташкил топган халқаро судга топширади ва ҳукм чиқаришиб ҳамма томондан у давлатга итдек ташланишади. Ўзларига қўшиб бутун дунё мамлакатларини мажбурлаб мазкур давлат томон темир йўл, денгиз ва ҳаво йўллари, почта, телеграф, телефон, радио ва бошқа алоқа васиталарини батамом ёки қисман узадилар, шунингдек дипломатик ва иқтисодий алоқаларни узадилар. Агар мазкур давлат ўз аҳдидан қайтиб, уларнинг оёқлари остига ўзини отмаса биргалашиб қуролли кучларини ишга соладилар.*

*Мазкур беш давлат БМТ ташкилотини 1945 йилда тузиб ундан 1961 йилгача биргаликда унумли фойдаланишди. 1961 йилдан бошлаб Америка ва собиқ СССР пинҳона тил бириктириб дунёни бўлиб олишди. Қолган шерикларини иложи борича майдондан четга суришди. Собиқ СССР парчаланганидан кейин дунёни бошқариш ёлғиз Американинг қўлига ўтди, яъни дунё якка қутбли дунёга айланди. Шундан бошлаб Америка БМТни сийқаси чиққан эски қопқон сифатида бир четга суриб қўйди ва ўз билганидек мутакаббирлик билан тажовузкорона дунёни бошқармоқда. Зарурат тугилса, Америка лозим деб билса эски қопқондан баъзи бир ўринларда фойдаланмоқда.*

Лотин Америкаси давлатларига Осиё давлатларига ва Африка давлатларига ўз халқининг манфаатларини ўйламайдиган, халқидан ажраган, БМТнинг резолюцияларини сўзсиз амалга оширадиган, БМТни ташкил қилган беш давлатнинг бирига ўз давлатини, халқини қул-мустамлака қилиб берадиган амалпараст, ватанфуруш хоинлар раҳбар этиб тайинланадилар. Бу беш давлат раҳбар бўладиган кимсаларни ўз ўқув юртларида махсус тайёрлайдилар. Тайёргарликдан ўтганларнинг номзодини давлат раҳбарлигига кўтариб сохта сайловлар ўтказадилар. Сайловларни синчиклаб кузатадилар ва натижаларни ўзлари хоҳлагандек қолипга солиб халқ номидан сайланди деб халқнинг жиловини қўлига оладилар. Масалан: Марокаш Қироли Ҳасан II 1952 йил Франциянинг Бордо шаҳридаги университетнинг юридика факультетини битирган.

Иордания Хошимийлар қироллигининг валиаҳди Ҳасан ибн Таллол Британиянинг Харроу мактабида ва Оксфорд университетида таълим олган.

Иордания Хошимийлар қироллигининг қироли Ҳусайн ибн Таллол Британиянинг Харроу мактабида ва Сандхёрстда қироллик ҳарбий академиясида таълим олган.

Яман Араб республикасининг бош вазири Абдул Фани 1962 йили Американинг Колорадо университетини битирган. Иқтисодчи.

Мисрнинг ташқи ишлар вазири, бош вазирининг ўринбосари Абдул Мажид Париж университетида ўқиган.

Малайзия ташқи ишлар вазири Абу Ҳасан Умар Британиянинг Гулл университетида ўқиган.

Бин Али, Зайнул-Обидин Тунис республикасининг президенти. Ҳарбий ўқув юртини тамомлаб Америка ва Францияда махсус тайёргарликдан ўтган.

Бу рўйхатни жуда узун келтириш мумкин, лекин бу ўринда мазкур мисоллар билан кифояланамиз. Қолганлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишни, Ўрта Осиё раҳбарларини қаерда ўқиганлари ва қандай тайёргарликдан ўтганларини билишни муҳтарам ўқувчимизнинг ўз саъй-ҳаракатларига ҳавола этамиз.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган давлатлараро халқаро ташкилотлардан яна бири НАТОдир. Қуйида НАТО ҳақида уни ташкил қилганларнинг таърифини келтириб, сўнгра қисқача изоҳ берамиз.

**НАТО (North Atlantic Treaty Organization – NATO)** Шимолий Атлантика пакти. Социалистик мамлакатлар, миллий озодлик ҳаракатларига қарши қаратилган ҳарбий-сиёсий иттифоқ. АҚШ ташаббуси билан тузилган. Ушбу иттифоқ 1949 йил 4 апрелда АҚШ, Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Канада, Италия, Португалия, Норвегия, Дания, Исландия вакиллари томонидан Вашингтонда имзоланди ва шу йили 24 августда кучга кирди. Шимолий Атлантика шартномасининг 5-моддасида ташкилот аъзоси бўлган бир ёки бир неча мамлакатга ҳарбий ҳужум бўлган тақдирда НАТОнинг бошқа аъзолари зарур деб ҳисоблашса қуроли кучларни ишга солиш йўли билан ёрдам кўрсатиши мумкинлиги ҳақида қарор қилинган.

Шимолий Атлантика блокининг олий органлари – йилига 2 марта қақриладиган НАТО Кенгашининг сессияси ва ҳарбий планлаштириш комитетидан иборат. Кенгаш сессияларида НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва кун тартибига қараб муҳофаа, молия, экономика вазирлари қатнашади. НАТО кенгашларига тайёргарлик ва барча кундалик ишларни Бош секретарь раҳбарлигидаги секретариат амалга оширади. НАТОнинг штаб-квартираси Брюссельда жойлашган.

НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий харажатлари тобора ортиб бормоқда. Бу харажатлар 1949 йили 18,7 млрд. долларни, 1966 йили 82 млрд. долларни, 1969 йили 106,4 млрд. долларни, 1973 йили 120 млрд. долларни, 1974 йили 132 млрд. долларни, 1975 йили 149,3 млрд. долларни ташкил қилган. Бу маблағларнинг 75% дан кўпроғи НАТОда ҳукмрон мавқега эга бўлган АҚШ зиммасига тўғри келади. Ҳозир НАТО аъзолари сафини йил сайин кенгайтириб борапти. Шунга қараб унинг ҳарбий харажатлари ҳам юз миллиардлар долларга ортиб борапти. Масалан: НАТОга аъзо Европа давлатлари 2002 йил мудофаа учун 140 млрд. АҚШ эса 380 млрд. доллар сарф қилишни лойиҳалаштирди. НАТОга кирган мамлакатларнинг қуроли кучлари НАТО Бирлашган қуроли кучларини ташкил этади. АҚШ, Британия, Канада, Германия, Бельгия, Нидерландия, Италия, Туркия ва бошқаларининг қуруқликдаги қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари Бирлашган қуроли кучлар ихтиёрига берилган. Уруш ва ҳарбий-таълим машқлари пайтларида мазкур мамлакатларнинг ҳарбий-денгиз қисмлари ҳам НАТО ихтиёрига берилади.

НАТОнинг олий ҳарбий органи – ҳарбий планлаштириш комитети. У ҳарбий раҳбарий органларга хос бўлган масалаларни, шунингдек Бирлашган қуроли кучларнинг қурилиш ва ундан фойдаланиш масалаларини ҳал қилади, ҳарбий блокнинг стратегик концепциясини тасдиқлайди, НАТО мамлакатларидан ҳар бирининг ҳарбий тадбирларда қатнашиш улушларини белгилайди ва бошқалар. НАТОнинг олий ҳарбий ижрочи органи – ҳарбий комитет. Комитет таркибига блокда қатнашувчи мамлакатларнинг бош штаб бошлиқлари киради. Комитет НАТОнинг ҳарбий стратегияси ва стратегик планларини ишлаб чиқади. Бирлашган қуроли кучлар қурилишининг йўл-йўриқларини белгилайди. Халқаро бирлашган штаб ҳарбий комитетга бўйсунди. Ҳарбий комитет мажлислари оралиғида комитет томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини кузатиш ва назорат қилиб боришни НАТО мамлакатлари бош штабларидан иборат бўлган доимий ҳарбий комитет амалга оширади. НАТОнинг консултатив органи – ядро мудофааси комитети, ишчи органи эса – Бирлашган қуроли кучларнинг ядро қуролини қўллаш масалаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ядро планлаштириш гуруҳи ҳисобланади.

НАТОнинг Олий Бош қўмондони лавозимига АҚШ генераллари тайинланади.

*Изоҳ: Дунё устида ҳукмрон бўлиб турган кучлар дунёни янада мустақкамроқ ўз чангалида ушлаб туриш учун НАТО каби халқаро*

ташкilotларни тузишди, эҳтиёж тушса янгиларини тузишмоқда. Америка НАТОни тузишдан асосан тўртта нарсани мақсад қилган. Биринчи: Европа давлатларининг етакчилигини қўлга киритиб дунё устидан ҳукмрон бўлиш, иккинчи: социалистик мамлакатларни халқаро сиёсий майдондан сиқиб чиқариш ва охир-оқибатда бутунлай барбод қилиб унинг мулкига эгалик қилиш, учинчи: ўз мустамлакаси бўлиб турган давлатларни – Лотин Америка, Африка ва Осиёдаги давлатларни мустамлакадан озод бўлишини тўсиб туриш ва бош кўтарганларини тезлик билан биргаликда шафқатсиз янчиб ташлаш, тўртинчи: капитализм, социализм ва демократия тузумларига барҳам бериб, дунёни уларнинг зулму ситамларидан қутқарадиган ва дунёни адолат билан бошқарадиган Халифалик давлатининг яна қайтиб тикланишининг олдини олишдир.

Америка ушбу капиталистик блокни тузиб Европа давлатлари устидан етакчиликни қўлга киритди ва унинг ёрдамида барча фикрий, сиёсий ва ҳарбий қуроолларини, ташкilotларини ишга солиб ҳақиқатда ҳаёт майдонида социализмга барҳам бера олди. Ўзининг аввалдан мустамлакаси бўлиб келган давлатларни ўз чангалида ушлаб туришнинг ҳам уддасидан чиқяпти. Бунинг устига социализм блокнинг пешвосидан уни парчалаб унинг мустамлакаларига эгалик қилишни ҳам тортиб олди. Бироқ унинг олдида ҳақиқий хавф, яъни адолат элчиси, дунёнинг халоскори бўлган Халифалик давлатининг тикланиш хавфи соат сайин катталашиб бормоқда. Шунинг учун у қаттиқ талвасага тушиб қолди. Бу хавф олдида унинг барча қурооллари, фикрий, сиёсий курашлари, халқаро ташкilotлари, бўҳтон-уйдирмалари, тескари ташвиқотлари фойда бермай қолди. У охириги қуролини - ҳарбий қуролини ишлатиш учун жон-жаҳди билан ташланмоқда. Бу хавфнинг тобора яқинлашаётганини аниқ билгач, унинг олдида шу кунгача тўплаган кучлари арзимас эканлигини билгач, қўшимча куч тўплаш учун НАТОга янги-янги аъзоларни жалб қила бошлади. У ҳам етмаслигини билиб терроризмга қарши курашиш шиори остида бу хавфга қарши бутун дунёни бир сафда туришга бор овози билан чақирмоқда Америка ўзининг шайтоний мақсадлари йўлида дунё халқларини аҳмоқ қилмоқда. Нафсоний ҳирсларини қондириш йўлида НАТОга аъзо давлатларнинг фуқароларини, солдатларини асоссиз урушларга тиқиб қонга беламоқда, молларини исроф қилмоқда, уруш кетаётган давлатларнинг кулини кўкка совурмоқда. Косовада, Афғонистонда ва Ироқда бўлиб ўтган урушларни бунга мисол қилиб келтирилмаса ҳам бутун дунё буни беш қўлдек аниқ билиб, кўриб турибди. Бироқ дод-фарёд қилган ҳам, индамай

*нафасини мажбур ичига ютиб турганлар ҳам халоскорни интизорлик билан кутиб турибди.*

*Бутун инсоният, инсон ақли билан ўйлаб топилган тузумлар, социализм, капитализм, демократияни ўз ҳаётларига татбиқ қилганликлари учун шундай кулфат-балоларга, зулму-зўравонликларга дучор бўлмоқда. Бундай бўлиши табиий албатта. Негаки бундай бўлишини аввал бошданоқ Буюк Яратувчи айтиб қўйган.*

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى﴾

□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□ □□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□ □□□ □□□□□ □□□□□ □□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ю

x20Ж124ъ

### **Дунёнинг халоскори**

Барча зулму зўравонлик, кулфат-балолардан, залолат-хатолардан қутилишнинг ягона йўли – Яратувчининг туширган қонун-тузумини тўлалигича ҳаётга татбиқ қилишдир. Яратувчининг туширган қонун-тузуми 23 йил давомида Улуғ Пайғамбари Муҳаммад ﷺ га туширган Ислому динидир. Яъни ҳаётнинг барча муаммоларига тўғри ечим берадиган конституцияга, сиёсий ақидага, давлат бошқарувига эга бўлган Ислому динидир. БМТнинг органлари белгилаб берган ёки уларнинг программалари асосида ташкил бўлган мадрасалардан етишиб чиққан малай, динфуруш олимлар талқин қилаётган, яъни сиёсатга аралашмайдиган, давлатдан ажратилган, иқтисодни бошқармайдиган, жиноят-жазоларни ҳал қилмайдиган фақат ибодатлар, одоб-ахлоқ ва урф-одатлардан иборат бўлган демократия қолипидаги Ислому Яратувчи ўз Пайғамбарига туширган Ислому эмасдир. Уни ҳаётга татбиқ қилиб ҳам бўлмайди, у зулму ва балолардан ҳам қутқара олмайди, аксинча уни Ислому деб тушуниш энг даҳшатли кулфатдир.

Мусулмонлар Оллоҳ туширган Исломуни ўз ҳаётларига тўлалигича татбиқ қилсалар нафақат ўзларини, балки бутун дунёни зулматдан, балои-офатдан албатта халос этадилар. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: Бошқаларга қараганда кўпроқ зулму остида бўлган, ўз давлатига эга бўлмаган мусулмонлар бошқалар у ёқда турсин, ўзларини қандай халос қила оладилар?

**Жавоб:** Дарҳақиқат бугунги кунда энг қаттиқ зулму остида қолганлар мусулмонлардир. Бунинг ягона сабаби, улар ҳақиқий Исломуни тушунмасдан, уни ибодат, одоб-ахлоқ ва урф-одат қилиб ушлаб, ҳаётнинг бошқа соҳаларида бошқа тузумларни татбиқ қилиб, бошқаларга эргашиб кетганликларидир. Мусулмонлар бошқа тузум-



ёлгонлардан халос этади. Унда бирор инсоннинг ёки гуруҳнинг ўз манфаати учун ўйлаб чиқарган қонуни дастуруламал бўлмайди, балки Оллоҳнинг қонуни барча учун бир хил татбиқ қилинади ва инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини барча нарсани яратиб, уларга ўзига муносиб ҳақ-ҳуқуқни белгилаган Яратувчи Зот белгилайди. Унда Оллоҳдан ўзгани улуғлаш, порахўрлик, фирибгарлик, ўғрилик, бузуқлик, бировнинг ҳаққига тажовуз қилиш, қиморбозлик, ароқхўрлик каби иллатлар бўлмайди. Унда ҳокимлар фуқароларга хизмат қилади, бойлар камбағал-ожизларни қўллаб-қувватлайди, катталар кичикларни иззат, кичиклар эса катталарни ҳурмат қиладилар, аёллар муқаддас она сифатида эъзозланади, «аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли» шиори остида уларга ҳаётнинг барча ташвишлари, юклари юкланмайди, эркаклар уларни ҳимоя қилувчи бўладилар, унда тирик етимлар, етимхоналар, ташландиқ қариялар уйи бўлмайди. Унда одамларнинг ташвиши бир бурда нон топиш бўлмайди, балки уларнинг бор ғам-ташвиши Оллоҳнинг розилигини топиш бўлиб, бунинг учун имкони борича яхшилик қилиб қолишга интиладилар. Улар бугун қорнини тўйдиришга ҳеч нарса топа олмаётган бўлсалар, бу ҳеч нарса йўқлигидан эмас, балки тузумнинг бузуқлиги, золим-ярамаслиги ва мол-дунёнинг нотўғри тақсимланишидандир. Аслида эса ҳамма бойлик уларнинг ҳозирги ерида мавжуд бўлиб, у ҳаддан ташқари талон-тарож қилинмоқда ва қолганлари нотўғри тақсим қилинмоқда. Ислом давлати бўлиб, тўғри-соғлом тузум татбиқ қилинганда, ҳозирги мавжуд хом ашё бойлиги ҳар бир киши бошига йилига юз минглаб долларга тенг келади. Унга саноат ишлаб чиқаришидан келадиган бойликни қўшиб ҳисоблаб кўринг! Ислом давлатида инсонлар шундай бахтли, фаровон ҳаёт кечириб, гуноҳлардан фориғ бўлиб, Оллоҳнинг розилигига эришадилар ва охиратда жаннатга киришга мушарраф бўладилар. «Ислом икки дунёнинг саодати» деган гапнинг мазмуни шудир. Бу ҳаёт майдонида бўлиши мумкин бўлмаган хаёлий орзу эмас. У 13 асрдан кўпроқ вақт мобайнида бутун одамзотга шундай бахтли ҳаёт бахш этиб келган ҳақиқатдир. Аммо уни билиш, англаш учун унинг душманлари бераётган маълумот ва талқинларга қўлоқ солмаслик, улар ёзган тарихни тўғри деб билмаслик керак. Эндиги бўладиган Ислом давлатининг аввалги Ислом давлатидан фарқи эндигисининг юқори даражада бой бўлишидандир. Негаки улкан ер ости бойликларидан унумли фойдаланиш XX асрга келиб бошланди. Мазкур Ислом давлатини қуриш ва унда фаровон ҳаёт кечириш мушкул эмас. Унинг 80 йилдан кўпроқ вақт мобайнида дунё юзидан йўқ бўлиб туришининг бош сабаби – шу вақт мобайнида



يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصِيًا، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ  
يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ  
يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبُوءَةِ»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшолик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим ва зўравон подшолик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади». (Муснади Аҳмад, 17680-ҳадис)

Иккинчиси, мусулмонми, кофирми бундан қатъий назар давлатни, жамиятни ташкил қиладиган ва уни бузадиган унинг таркибий қисмларини билмайдиган сиёсий онги йўқ умматлар, халқлар, динлар ва давлатлар тарихидан беҳабар кишидир. Бу тоифа кишилар мол-дунёни, қурол-аслаҳани давлатнинг, жамиятнинг таркибий қисми деб ўйлайдилар. Мусулмонлар яшаётган юртларнинг мол-дунёларини, қурол-аслаҳаларини мустамлакачи кофир давлатларнинг мол-дунёларига, қурол-аслаҳаларига таққослаб мусулмонларникини арзимаслигини кўргач мусулмонлар ўз давлатларини қура олмайдилар деб сафсата сотадилар. Жамият одамлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан ташкил бўлишини, давлат шулар асосида қурилишини, бу тўрт нарса жамлангач давлат албатта қурилажagini, уни ҳеч қандай куч тўхтата олмаслигини, давлат қурилишига мол-дунёнинг, қурол-аслаҳанинг ҳеч бир алоқаси йўқлигини, мол-дунёни кўпайтириш, қудратли қурол-аслаҳани ишлаб чиқариш қурилган давлатнинг иши эканлигини улар билмайдилар. Натижада Аллоҳнинг оятига, Пайғамбарининг ҳадисларига ишонмай ўз иймонига, Исломига путур етказадилар. Пайғамбари Муҳаммад ﷺ Ислом давлатини нима билан, қайси асосда, қандай қурганлиги тарихини билмаганидан, улкан мол-дунё, ўта қудратли қурол-аслаҳага эга бўлган СССР давлатини нима парчалаб юборганлигини англаб етолмаганидан ҳар хил сафсаталарга берилиб ўзи қаттиқ адашади ва уларни тарқатиб бошқаларни ҳам адаштиради. Ислом давлатини қуриш ҳар бир мусулмонга фарзлигини билмай, бу

фарзни бажармай қаттиқ гуноҳга ботади. Ундайлар на чин эътиқодли мусулмон, на сиёсий онгли кофир.

Бугун ер юзидаги барча одамлар дунёнинг қайси қитъасида яшаётганларидан қатъий назар гуноҳлар, бузуқликлар гирдобиди ва адолатсизликлар, жабру зулмлар зулматлари қаърида яшамоқдалар. Кеча азиз бўлганлар ҳам, хор бўлганлар ҳам, барчанинг орзу-армонлари, умидлари, нигоҳлари эртанги кунга қаратилган. Эртанги кун нурли бахтиёр кундир. Негаки унинг мунаввар тонгидан барча нарса хабар бериб турибди. Оллоҳ ваъда бермоқда. Пайғамбари баён қилмоқда. Илмий кашфиётлар, ихтиролар жаҳолат, хурофот пардаларини бирин-кетин йиртмоқда. Ёлғонлар, бўҳтонлар ҳақиқат олдида касодга учрамоқда. Инсонлар инсонга хос адолатли фаровон ҳаётни бахшида этадиган тузумлар, қонунлар чиқаришдан ожизлигини тан олмоқда. Бугунни қоплаган зулмат булутлари соат сайин тарқатмоқда.

Огоҳ бўлинг, хурсанд бўлинг  
Мунаввар тонг яқин!

